O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№44 (697) 2023 йил 30 май, сешанба
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИСРНИНГ ЕТАКЧИ КОМПАНИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 май куни Мисрнинг “Orascom Investment Holding” компанияси раиси Нажиб Савирисни қабул қилди.**

Мисрнинг етакчи инвестиция-саноат корпорацияси раҳбари олий даражадаги келишувлар доирасида мамлакатимизда бўлиб турибди.

Учрашувда компаниянинг Ўзбекистонда қўшма “йўл харитаси” доирасида қиймати 1,2 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги режалари кўриб чиқилди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, геология-қидирув ишларини амалга ошириш ва металл конларини ўзлаштириш, замонавий меҳмонхона мажмуаларини барпо этиш ва бошқариш, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚИРҚ БИРИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси 2023 йил 1 июнь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида жорий йилнинг 1-2-июнь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

**ЎзА.**

# Барчаси аҳоли фаровонлиги учун

**Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

Қарор ижроси доирасида туман ҳудудларидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва инфратузилмани ривожлантириш мақсадида 25 миллиард 595 миллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Жумладан, жами 26 та объектда, шундан 20 та маҳаллада ички йўлларни таъмирлаш, 2 та маҳаллада сув иншоотини реконструкция қилиш, 2 та маҳаллада маҳалла маъмурий биносини ва 1 та маҳаллада болалар спорт майдончасини янгидан қуриш, 1 та маҳаллада электр тармоқларини тортиш режалаштирилди.

Пудрат ташкилотлари томонидан 15 та овул ва маҳаллалардаги жами 44,4 километр узунликда ички кўчаларга тош ёткизиш, “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги болалар спорт майдончасини янгидан қуриш, “Қипчоқ” овул фуқаролар йиғини ҳудудига 2 километр узунликдаги сим кабелларини тортиш ҳамда “Хизр эли” ва “Юқори қишлоқ” маҳаллаларининг маъмурий биноларини янгидан қуриш ишлари якунланди.

“Хизр эли” ва “Юқори қишлоқ” маҳаллаларининг маъмурий бинолари фойдаланишга топширилиши чекка ҳудуд аҳолиси учун ҳақиқий туҳфа бўлди. “Тупроққалъа махсус қурилиш”, “Коммунал рем строй” масъулияти чекланган жамияти томонидан қуриб битказилган бинода ходимлар учун барча шароит яратилган. Бу эса, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ёрдамга муҳтож фуқароларнинг муаммолари шу ернинг ўзида ҳал этилишига хизмат қилмоқда.

Амударё туманида жами 24 километр узунликдаги ички йўлни таъмирлаш режалаштирилган. Туман Ободонлаштириш бошқармаси қўшимча равишда яна 13 километр йўлни таъмирлашни режа қилган. Эндиликда туманда жами 37 километр ички йўллар таъмирланади. Бунинг учун давлат бюджетидан 2 миллиард 964 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида тумандаги 49 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 1868 та хонадондан 1856 та уйнинг том қисми ёпиб берилади. Шунингдек, яшаш ва таъмирлаш учун яроқсиз бўлган 12 та уй қайтадан қурилади.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Амударё туманидаги барча хонадонлар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ўрганилди. Ўрганишлар натижасида ушбу оилалар ҳақиқатдан ҳам ёрдамга муҳтожлиги аниқланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролардан бири “Қизилчоли” маҳалласида Насиба Сийтмамутова икки нафар фарзанди билан ёлғиз яшайди. Турмуш ўртоғининг вафотидан кейин ёлғиз она рўзғор юкини кўтаришга қийналиб қолган эди. Президентимизнинг алоҳида ғамхўрлиги ва эътибори билан яроқсиз ҳолга келиб қолган уйида қайтадан қуриш ишлари олиб борилмоқда. Бу вазифани “Жумуртов техтаъмирсервис” масъулияти чекланган жамияти ўз зиммасига олган. Қурувчиларнинг таъкидлашича, қурилиш ишлари июнь ойида ниҳоясига етказилади, деб ёзади ЎзА мухбири Довуд Абибуллаев.

Аҳоли вакиллари мамлакатимизда олиб борилаётган шу каби кенг кўламли ишлар натижасидан мамнун.

# Ғазнаи нафосат – Намангон мадҳи



**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хабарингиз бор, 2023 йил 21 май куни Наманган шаҳрида 62-Халқаро гуллар фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлди. Фестивал ҳақида гапиришдан олдин, “Наманганнинг гуллар шаҳри сифатида таърифланиши замирида нималар мужассам?”, – деган масалага ойдинлик киритсак.**



Шу ўринда, 2010 йилда “Наманган” нашриётида чоп этилган “Гул диёр мадҳи” номли бадиий-оммабоп нашрда Абдулла Жабборнинг “Гуллар хазинаси – ғазнаи Намангон” номли мақоласи эътиборимизни тортди. Раҳматли устоз-муаллифнинг мулоҳазаларини ўқиймиз: “Турли манбаларда, жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида, Шоҳ Машрабнинг айрим шеърларида она шаҳримиз Наманганни “Ғазнаи Намангон” деб шарафланганини биламиз. Бу, биринчидан, шаҳарнинг азалдан одамларга бол тутгувчи барокатли боғ-роғлар диёри бўлгани боис “ғазна” сўзининг арабчадан таржимасида “кўкаламзор жой” маъносини беришига ишорадир...”.

## ТАРИХГА БИР НАЗАР

Мақоланинг давомида шаҳарнинг Сардоба даҳасида – Бобуршоҳ ва Тошкент кўчалари оралиғида 60 сотихли жойни сотиб олиб, боғ ҳамда гулзор барпо қилган Тўқмуллабой ҳақида сўз юритилади. 1835 йил Наманганда таваллуд топган Иззатуллоҳ Тўқмуллабоев ана шу гўзаллик, боғу гуллар шайдоси Тўқмуллабойнинг фарзанди экани баён қилинган. Иззатуллоҳнинг нафосат бобидаги жуда катта хизмати шунда эдики, у гулларнинг Туркистонда учрамайдиган хилларини олиб келиб, Наманганда етиштирган 50 дан зиёд навдаги гул уруғларини тарқатиш ва сотиш мақсадида 1910 йилда рус тилида 32 саҳифадан иборат махсус прейскурант-китобчани чоп эттирган. Рисолада гул уруғлари ҳақида маълумотлар, гулларнинг номи, асл ватани, шифобахш хусусиятлари ва нархи келтирилган. Ушбу реклама воситаси 1911 йилда бутун Россияда тарқатилгач, олис-яқин ўлкалардан гул уруғларини сўраб Наманганга буюртмалар кела бошлаган. Натижада, етиштирилган тонналаб гул уруғлари ҳудудларга етказиб берилган.

Наманган аҳли маърифатпарвар, тараққийпарвар ва гулсевар инсон Иззатуллоҳ Тўқмуллабоев ва фарзандлари Зоҳидуллоҳ (1860-1963 йил) номларини юксак эҳтиром билан тилга олади. Бу алломаи замон туркийдан ташқари бир нечта Шарқ ва Европа тилларини ҳам мукаммал билган. Қолаверса, падари бузрукворлари асос солган XIX аср Наманган гулчилик мактабининг муносиб давомчиси шаҳар уста гулчиларининг XX аср 50-60-йилларидаги авлоди вакилларига устозлик қилди.

– Опоқдадамизнинг оталари мамлакат гулчилари сардори Тўқмуллабой домла билан яқиндан ҳамкорлик қилган экан, – деди наманганлик 67 ёшли моҳир гулчилар сулоласи вакили Аҳмаджон Султонов. – Дадам раҳматли биолог олим эди, Наманган шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабида биология фанидан дарс берган. Уй шароитида атиргулларни пайвандлаш, янги навларини чатиштириш амалиёти билан шуғулланиб, катта муваффақиятларга эришган. Бунинг учун шаҳар марказидаги 18 сотихли ҳовлимизда барча шароит муҳайё қилинганди. Кейинчалик 2 сотихли ойнаванд иссиқхонамизда гулларнинг бошқа ноёб турларини ҳам кўпайтира бошладик. Ёшлигимда ўзимиз парваришлаб ўстирган турфа гулларни бозорда сотардим. Барча ишларда отамга камарбаста бўлиб, иш тажрибаларини қунт билан ўргандим. Ўз вақтида гул байрами танловида иштирок этиб, совринига “Москвич” автомашинасига сазовор бўлганмиз. Бундан ташқари, йиллар мобайнида фахрли ўринларга лойиқ топилиб, бир нечта қимматбаҳо совғалар билан тақдирландик.

Бугунги кунда 300 турдан зиёд гул навини кўпайтирмоқдамиз. Тупроғини алоҳида тайёрлаймиз. Бу борада фарзандларим, набираларим доимий кўмакдош. Бир сўз билан айтганда, йил – ўн икки ой оиламизнинг машғулоти шу. Маҳсулотимизга вилоятлардан ташқари қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан ҳам харидорлар бор. Айтиш жоизки, бу йил қишда маҳсулотларимизни кўз қорачиғидек асрадик, бу осон бўлмади. Шукурки, қаҳратондан беталофат чиқдик. Мамнуният ила айтамизки, аждодмерос шу касбимиз ортидан ҳовли-жой қурдик, тўйлар қилдик. Штаб квартираси Туркияда жойлашган, БМТга дохил халқаро миқёсдаги ташкилот талабига биноан Европа ва Осиёда йўқолиб кетган ноёб гул турларини етказиб беряпмиз. Масалан, “лимуза” (гулҳаё) номли кечки пайт юмиладиган, кундузи очиладиган гул ва атиргулнинг 3-4 хили ва бошқалар шулар



жумласидандир. Бир пайтлар Германиядан гулчилар келиб, мазкур ўта ноёб гул турларидан олиб кетганди. Шуғулланаётган фаолиятимизни янада ривожлантиришимиз учун ер майдонига эҳтиёжимиз бор. Ҳозирча бу масалага ижобий ечим топилмади. Шу кунларда Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида давом этаётган 62-Халқаро гуллар фестивалида фаол қатнашяпмиз. Барча гул шайдоларини кўргазмамизга таклиф этамиз.

▶ 4-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№44 (697) 2023 йил 30 май

# Кончилар меҳнати эътироф этилди

Анвар ҚОБИЛОВ, журналист.

**Маълумки, юртимиз Марказий Осиё мамлакатлари орасида ўзининг қулай табиий-географик шароитларга эгалиги, ер ости бойликлари захираларининг мавжудлиги билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, Олмалиқ тумани ҳам табиий бойликлар қазиб олишга ихтисослашган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бунда албатта, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖнинг ҳам ҳиссаси катталигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.**

Маълумки, ОКМК фаолиятининг асосий йўналиши ишлаб чиқариш, ижтимоий объектларни реконструкция қилиш ҳамда қуришга қаратилган. Жумладан, ўтган йил якунида Самарқанд вилоятидаги "Ингичка" кони техноген чиқиндиларни қайта ишлашни йўлга қўйди. Айни пайтда 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга 3-мисни бойитиш фабрикасининг қурилиш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Жорий йилнинг сентябрь ойида фабриканинг биринчи технологик навбати ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, янги металлургия комплекси лойиҳасини бунёд этиш ишлари ҳам бошланган. Жиззах вилоятидаги "Учқулоч" полиметалл конини тўлиқ тиклаш мақсадида геология-қидирув ишлари олиб борилаётгани келажакда соҳа ривожига сезиларли даражада ҳисса қўшади. Ўтган йилда 3-мисни бойитиш фабрикасидаги 7 моносексия, молибден участкасининг биринчи навбати, фабрика нодир металларни олиш цехидаги бешинчи печ, совутиш минорасини қуриш ва қайта таъмирлаш ишлари олиб борилиб, яқинда фойдаланишга топширилди. Натижада 100 дан ортиқ йигит-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлишди.

Бундан ташқари, Президентимиз ташаббуси билан Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоаси томонидан айни пайтда "Ёшлик" мис конини ўзлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу мажмуа яқин келажакда дунёдаги энг йирик очиқ усулда қимматбаҳо ер ости бойликлари қазиб олинадиган конлардан бирига айланади. Лойиҳа доирасида темирйўллар, алоқа тармоқлари, станциялар қуриб битказилган. Қатор инфратузилма иншоотлари, объектлар ҳамда турар жойлар, маъмурий бинолар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Бу ердаги ҳали тўла таҳлил этилмаган тош, қум, тупроқ таркибида кўплаб металлар захираси яшириниб ётибди.

Умуман олганда, мазкур корхона юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича турдош корхоналарга ўрнак бўлмоқда.

Яқинда "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ спорт мажмуасида ишчи-ходимлар учун ўтказилган тадбирда бошқарув раиси, сенатор Абдулла Хурсанов меҳнат жамоаси томонидан барча ишлаб чиқаришлар ва инвестициявий лойиҳалар жадал суръатда амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этди. Тадбир муносабати билан илғор ишчи-ходимларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Узоқ йиллардан буён фидокорлик билан меҳнат қилиб келаётган 22 нафар ходим "Кончилик шуҳрати" кўкрак нишони билан тақдирланишди.

– Соҳа ривожидаги меҳнатим юқори даражада тақдирланганидан хурсандман, – деди "Кончилик шуҳрати" кўкрак нишони соҳиби, ОКМК бошқарув раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси Умида Қаршибоева. – Юртимизда амалга оширилаётган кенг ҳажмдаги ислоҳотлар туфайли кончилик ва металлургия соҳасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳозирда комбинат мутахассислари томонидан ноёб ва нодир металларни олиш бўйича самарали изланишлар амалга оширилиб, муҳим ютуқларга эришиляпти. Ноёб металлар экспортга йўналтирилиб, хорижда ҳам эътироф этилаётгани эса ютуқларимиздан бирдир.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

# Оилавий поликлиника янги қиёфада

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, журналист.

**Кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Узоқ қишлоқ ва маҳаллаларда шифо масканлари қурилиб, қайта таъмирланиб, ишга тушириляпти. Бу эса халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилаётир.**

Ҳазорасп туманидаги Янгибозор маҳалласида 32-оилавий поликлиника қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Бино илгари эски ва таъмирталаб қишлоқ шифокорлик пункти бўлиб, замон талабига жавоб бермас эди. Туман ҳокимлиги ташаббуси ва "Ҳазорасп текстиль" МЧЖ ҳомийлигида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилган бино бугун кўрган кўзни қувнатмоқда.

– Ҳозирда оилавий поликлиникамизда икки нафар оила шифокори, 6 нафар тор мутахассис фаолият юритмоқда, – деди поликлиника мудираси Лолажон Усмонова. – Оилавий шифохонамиз замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда маҳалламиз аҳлининг кундузги даволаниши учун ҳам алоҳида шароит мавжуд. Аҳолига 120 турдаги дори-дармон бепул тарқатилмоқда.

Оилавий поликлиниканинг очилиш маросимида сектор раҳбарлари, кенг жамоатчилик ва маҳалла аҳли иштирок этишди.

# ҚУРИЛАЁТГАН УЙЛАР ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИГА МОСМИ?

**"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати ва Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Сурхондарё вилоятида ўтган йили фойдаланишга топширилган уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари сифати жамоатчилик мониторингидан ўтказилди.**

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида қурилиш соҳасини техник тартибга солиб, қурилиш ва лойиҳалаштириш ишлари сифатини ошириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, замонавий инфратузилма яратиш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланган. Зеро, мамлакатимизда аҳоли сонининг барқарор ўсиб бораётгани урбанизация жараёнларини кучайтириб, сифатли турар жойларга, ижтимоий инфратузилмаларга эҳтиёжни оширмоқда. Шунга мувофиқ, сўнгги йилларда шаҳар ва қишлоқларда мустаҳкам, қулай, шинам уй-жойлар барпо этиш учун қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Эндиликда янги қурилган уйларнинг белгиланган талабларга мослиги ва замонавий шаҳарсозлик нормаларига уйғунлигини назорат қилиш тартиби жорий этилди. "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати жойларда Тараққиёт стратегияси ва давлат, ҳудудий дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан доимий жамоатчилик назоратини олиб боради. Бунинг учун ўтган йили жойларда Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш гуруҳлари ташкил этилган. Шу асосда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жамоатчилик билан бирга мониторинг қилинмоқда.

Вилоятда ташкил этилган жамоатчилик назорати тадбирлари чоғида Термиз шаҳри, Жарқўрғон, Термиз ва Ангор туманларида барпо этилган ўндан ортиқ кўп қаватли уй ва ижтимоий муассаса ҳолатининг белгиланган талабларга мувофиқлиги атрофлича ўрганилди. Кўп қаватли уйларнинг мустаҳкамлиги, амалдаги меъёрларга мувофиқлиги, зарур инфратузилма билан таъминланиш даражаси визуал мониторинг қилиниб, янги уйларга кўчиб ўтган аҳолининг яратилган шароитлар ҳақидаги фикрлари тингланди.

– Термиз шаҳрига иккинчи марта келишим, – деди Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Руни Хайини. – Ўтган давр билан қиёслайдиган бўлсам, бу ерда катта динамик ўзгаришларни кузатдим. Тан олиш керакки, ҳудуд улкан ўзгаришлар оғушида. Буни ўз кўзим билан кўриб, гувоҳи бўлмоқдаман. Фикримча, мактабларда яратилаётган шароит қанча сифатли бўлса, ўқувчиларнинг билим олишга иштиёқини янада ошириш мумкин.

Гуруҳ аъзолари Термиз тумани Бунёдкорлик маҳалласидаги 4-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, синфхоналар, ошхона ва спорт залнинг белгиланган меъёрларга мувофиқлигини кўздан кечиришди. Мустақиллик маҳалласидаги 10-умумтаълим мактаби, Жарқўрғон тумани Офтобқўрғон маҳалласидаги 48-мактабгача таълим ташкилоти, Термиз тумани Учқизил қўрғонидаги кўп қаватли уйлар, Жарқўрғон тумани Янги Ўзбекистон массивидаги кўп қаватли турар жой бинолари ва бошқа қатор янги объектларни визуал мониторинг қилишди.

Назорат тадбирларида жамоатчилик фаоллари ва соҳанинг энг тажрибали мутахассислари иштирок этишди. Ўрганиш якунлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, мутасаддиларга тақдим этилади.

# Қуёш панеллари оммалашмоқда

**Муқобил энергиядан фойдаланиш бугуннинг долзарб мавзуларидан бири экани ҳеч кимга сир эмас. Негаки, электр, нефть, газ ресурслари чексиз эмас.**

Шунинг учун ҳам бу давлат сиёсати даражасидаги масалага айланган. Дунё аҳолисининг ортиб бориши ва ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпайиши энергияга бўлган талабни янада оширмоқда. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2023 йилда "Қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи тенологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори жисмоний ва юридик шахсларга қатор қулайлик ҳамда имтиёзлар яратмоқда.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб қайта тикланувчи энергия манбаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиб олиш бўйича электрон дастур ишга туширилди. Ҳозиргача вилоятда электр истеъмолчиларининг 70 нафардан ошиғи ушбу тизимга қизиқиш билдириб ариза топширган. Улар томонидан яшил энергия манбаи орқали ишлаб чиқарилган 1 квт электр энергияси учун минг сўмдан пул тўлаб берилмоқда.

Урганч туманида яшовчи якка тадбиркор Азамат Бекчонов уйи ёнида автомобилларни ювиш шохобчасини ташкил қилган эди. Илгари ойига электр харажати 1,5-2 миллион атрофида сарфланган бўлса, унинг айтишича энди бу сумма тенг ярмига қисқарган.

– Жорий йилнинг март ойида хонадонимга 3,3 квт ишлаб чиқаришга мўлжалланган қуёш панели ўрнатган эдим, – деди "Обод" МФЙ раиси Абдулла Қорохонов. – Авваллари хонадонимизга сарфланадиган электр энергияси 150 минг сўм атрофида бўлса, эндиликда 300 минг сўмдан зиёд фойда ҳам қилиб турибман.

Демак, қуёш панелларига қизиқиш вилоятда кун сайин ортиб бормоқда.

# Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию Проекта "Развития сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для выполнения проектно-изыскательных работ и разработка рабочего проекта "под ключ" по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Расчётная стоимость Заказчика (сум без НДС) | Срок сдачи проекта (календарных дней) |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-FER-CS-17 | Капитальный ремонт систем электроснабжения населенного пункта МСГ "Шахартепа" Куштепинского района Ферганской области | 120 000 000 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-18 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Намуна" Куштепинского района Ферганской области | 76 607 137 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-19 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Борот" Куштепинского района Ферганской области | 100 000 000 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-20 | Капитальный ремонт систем электроснабжения» населенного пункта МСГ "Борот" Куштепинского района Ферганской области | 88 669 278 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-21 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Баландмасжид" Куштепинского района Ферганской области | 278 122 659 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-22 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта МСГ "Эшонгузар" Куштепинского района Ферганской области | 146 553 859 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-23 | Капитальный ремонт электроснабжения» населенного пункта МСГ "Сойбуйи" Куштепинского района Ферганской области | 203 947 381 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-24 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Карнайчи" Куштепинского района Ферганской области | 107 052 722 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-25 | Капитальный ремонт электроснабжения» населенного пункта МСГ "Каттаболтакул" Куштепинского района Ферганской области | 139 531 901 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-26 | Капитальный ремонт электроснабжения» населенного пункта МСГ "Кизиларык" Куштепинского района Ферганской области | 214 499 664 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-27 | Капитальный ремонт электроснабжения» населенного пункта МСГ "Йулдошобод" Куштепинского района Ферганской области | 68 881 318 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-28 | Капитальный ремонт электроснабжения» населенного пункта МСГ "Кайрагоч" Куштепинского района Ферганской области | 45 958 848 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-29 | Капитальный ремонт электроснабжения» населенного пункта МСГ "Нурафшон" Куштепинского района Ферганской области | 65 177 303 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-30 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Кувурбоши" Куштепинского района Ферганской области | 110 000 000 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-31 | Капитальный ремонт электроснабжения» населенного пункта МСГ "Истиклол" Язьяванского района Ферганской области | 73 876 064 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-32 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Корасой Язьяванского района Ферганской области | 47 912 936 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-33 | Капитальный ремонт электроснабжения» населенного пункта МСГ "Гастон" Язьяванского района Ферганской области | 16 807 770 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-34 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Гастон" Язьяванского района Ферганской области | 30 962 579 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-35 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Порлок" Язьяванского района Ферганской области | 81 071 138 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-37 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта МСГ "Калдушон" Фуркатского района Ферганской области | 269 362 459 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-38 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Кармак" Фуркатского района Ферганской области | 182 566 674 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-39 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта МСГ "Шункор" Фуркатского района Ферганской области | 232 539 131 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-40 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта МСГ "Чеккуприк" Фуркатского района Ферганской области | 84 997 890 | 35 |

| Номер контракта | Наименование объекта | Расчётная стоимость Заказчика (сум без НДС) | Срок сдачи проекта (календарных дней) |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-FER-CS-41 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Болтакул" Фуркатского района Ферганской области | 145 493 555 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-42 | Строительство и ремонт тротуаров, Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Сохибкор" Сохского района Ферганской области | 187 264 715 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-43 | Асфальтирование внутренних дорог 5 категории МСГ "Кизилкиёк" Сохского района Ферганской области | 137 973 072 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-44 | Строительство моста в МСГ "Гулистон" Сохского района Ферганской области | 90 000 000 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-46 | Строительство спортивной площадки в МСГ "Себзор" Сохского района Ферганской области | 51 168 548 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-47 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта МСГ "Девайрон" Сохского района Ферганской области | 125 000 000 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-48 | Капитальный ремонт системы отопления существующего здания общеобразовательной школы №17 в МСГ "Девайрон" Сохского района Ферганской области | 61 756 626 | 35 |

## ГУП "Служба заказчика в сфере капитального строительства" при хокимията Ферганской области

приглашает проектные организации принять участие в Торгах на выполнение вышеописанных Работ. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в «Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка» и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Более подробная информация об услугах приведена в Техническом задании.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в **Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области** и ознакомиться с конкурсной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 часов по нижеуказанному адресу.

Полный комплект конкурсной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет **330 000 сум.**

**Получатель:** Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области

**Банковские реквизиты:** Ферганский филиал АКБ "InFinBank" р/с: 2021 0000 2037 6761 8001 ИНН: 202 529 457 МФО: 01128.

Конкурсные предложения (однопакетные) должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться **Декларацией об обеспечении конкурсного предложения** по прилагаемой к конкурсной документации форме.

Конкурсные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 18.00 часов (по ташкентскому времени) **19 июня 2023 г.**, где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены конкурсных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Организация для подачи предложений:**

Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области.

**Адрес:** Ферганская область, г. Фергана, ул. С. Темура, дом 111-"б".

**Тел.:** 99-615-68-91.

**E-mail:** fartender@mail.ru

**Представитель консалтингового центра:** М. Содиков.

# Правительство Республика Узбекистан

**получила кредит от Всемирного банка (Банка) на реализацию Проекта "Развития сельской инфраструктуры" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по контракту на выполнение проектно-изыскательных работ и разработку рабочего проекта под ключ по следующим объектам:**

| № | Наименование объекта | Номер контракта | Стартовая стоимость работ (тыс. сум без НДС) | Срок выполнения работ (календарных дней) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Капитальная реконструкция здания дошкольной образовательной организации №32 в СГМ "Тупсада" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-38 | 273 180 | 110 |
| 2. | Гравийное покрытие внутренних дорог 5,3 км в СГМ "Киркчек" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-39 | 62 212 | 90 |
| 3. | Гравийное покрытие внутренних дорог 4,3 км в СГМ "Хайитобод" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-40 | 138 873 | 110 |
| 4. | Гравийное покрытие внутренних дорог 3,7 км в СГМ "Янги Гулбог" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-41 | 107 019 | 110 |
| 5. | Гравийное покрытие внутренних дорог 5,4 км в СГМ "Момохон" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-42 | 149 047 | 110 |
| 6. | Устройство асфальтобетонных и гравийных покрытий внутренних дорог 11,2 км на участке СГМ "Уюрчи-Дамкул" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-43 | 111 143 | 110 |
| 7. | Устройство асфальтобетонных и гравийных покрытий внутренних дорог 4,3 км на участке СГМ "Яккатол" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-44 | 86 555 | 90 |
| 8. | Строительство дополнительного здания на 120 мест для дошкольной образовательной организации №64 в СГМ "Резаксой" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-45 | 273 180 | 110 |
| 9. | Строительство дополнительного здания на 40 мест для дошкольной образовательной организации №56 в СГМ "Шоён" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-46 | 174 000 | 110 |
| 10. | Строительство дополнительного здания на 120 мест для дошкольной образовательной организации №67 в СГМ "Юкори" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-47 | 273 180 | 110 |
| 11. | Строительство спортивного зала 12х24 м для школы №53 в СГМ "Янгиер" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-48 | 145 000 | 110 |
| 12. | Строительство допольнительного учебного здания на 40 мест для школы №44 в СГМ "Кизилтепа" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-49 | 52 997 | 90 |
| 13. | Капитальный ремонт спортивного зала школы №12 в СГМ "Тинчлик" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-50 | 35 513 | 90 |
| 14. | Строительство систем питьевого водоснабжения (дополнительные работы) в СГМ "Шоён" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-51 | 126 000 | 90 |
| 15. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог 4,3 км в СГМ "Говасой сохили" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-52 | 147 275 | 110 |
| 16. | Устройство асфальтобетонных (3,785 км) и гравийных (12,015 км) покрытий внутренних автомобильных дорог протяженностью 15,8 км на участке СГМ "Гузар" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-53 | 207 615 | 110 |
| 17. | Устройство асфальтобетонных (2,765 км) и гравийных (13,331 км) покрытий внутренних автомобильных дорог протяженностью 16,096 км на участке СГМ "Куча" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-54 | 180 922 | 110 |
| 18. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог 3,766 км на участке СГМ "Варзигон" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-55 | 129 770 | 110 |
| 19. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог 4,060 км на участке СГМ "Янгихаёт" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-56 | 139 901 | 110 |
| 20. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог 3,910 км на участке СГМ "Коракапа" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-57 | 134 732 | 110 |
| 21. | Устройство асфальтобетонных (4,006 км) и гравийных (8,709 км) покрытий внутренних автомобильных дорог протяженностью 12,715 км на участке СГМ "Еттикурган" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-58 | 193 991 | 110 |
| 22. | Капитальный ремонт здания дошкольной образовательной организации №27 в СГМ "Бунёдкор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-59 | 106 540 | 110 |
| 23. | Строительство дополнительного здания на 180 мест для школы №59 в СГМ "Имом-ота" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-60 | 180 299 | 110 |
| 24. | Строительство дополнительного здания на 180 мест для школы №3 в СГМ "Чоркесар" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-61 | 157 000 | 110 |
| 25. | Замена системы отопления школы №54 в СГМ "Навруз" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-62 | 35 000 | 60 |
| 26. | Строительство спортивных площадок для школ 16 и 51 в СГМ "Янгичек" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-63 | 61 125 | 90 |
| 27. | Капитальный ремонт здания спортивного зала общеобразовательной школы №18 в СГМ "Сохибкор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-64 | 51 904 | 90 |
| 28. | Строительство СВП на 50 мест в СГМ "Маданият" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-65 | 191 226 | 110 |
| 29. | Капитальный ремонт здания СВП в СГМ "Кандигон" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-66 | 136 590 | 110 |
| 30. | Ремонт внутренних дорог 2 км в СГМ "Янгиобод" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-67 | 80 000 | 90 |
| 31. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог 6,670 км в СГМ "Миришкор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-68 | 213 835 | 110 |
| 32. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог 6,316 км в СГМ "Юксалиш" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-69 | 197 646 | 110 |
| 33. | Строительство дополнительного здания на 210 мест для школы №21 в СГМ "Арбагиш" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-70 | 196 690 | 110 |
| 34. | Капитальный ремонт здания спортивного зала 12х24 м для школы №30 в СГМ "Хазратишох" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-71 | 63 904 | 90 |
| 35. | Строительство дополнительного здания на 300 мест для школы №24 в СГМ "Ораарик" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-72 | 327 816 | 120 |
| 36. | Строительство детская площадка в СГМ "Соз-сой" Чартакского района (воркавуд) | MOEI-RIDP-NAM-CS-73 | 58 500 | 90 |
| 37. | Гравийное покрытие внутренних дорог 1,1 км в СГМ "Зангиобод" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-74 | 21 872 | 60 |
| 38. | Гравийное покрытие внутренних дорог 3,7 км в СГМ "Корамурт" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-75 | 81 234 | 90 |
| 39. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 4 км на участке СГМ "Октерак" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-76 | 171 702 | 110 |
| 40. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 6,2 км на участке СГМ "Бозор боши" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-77 | 287 549 | 110 |
| 41. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 4,2 км на участке СГМ "Узун куча" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-78 | 235 995 | 110 |
| 42. | Строительство дополнительного здания на 180 мест для школы №13 в СГМ "Урта" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-79 | 164 981 | 110 |
| 43. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 3,7 км на участке СГМ "Янгиобод" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-80 | 126 962 | 110 |
| 44. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 2,6 км на участке СГМ "Заркент" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-81 | 88 832 | 90 |
| 45. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 5 км на участке СГМ "Хужашуркент" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-82 | 170 183 | 110 |
| 46. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 2,6 км на участке СГМ "Говазон" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-83 | 83 077 | 90 |
| 47. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 2,7 км на участке СГМ "Оксув" Говазон Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-84 | 92 590 | 110 |
| 48. | Улучшение электроснабжения 3.4 км в СГМ "Найман" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-85 | 73 800 | 90 |
| 49. | Строительство дошкольной образовательной организации на 50 мест в СГМ "Кушминор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-86 | 157 000 | 110 |
| 50. | Строительство моста 8 м в СГМ "Имом ота" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-87 | 50 600 | 60 |
| 51. | Улучшение электроснабжения 16 км в СГМ "Янгиобод" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-88 | 213 000 | 110 |
| 52. | Улучшение электроснабжения 16 км в СГМ "Сохибкор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-89 | 184 000 | 110 |
| 53. | Улучшение электроснабжения 6 км в СГМ "Миришкор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-90 | 44 800 | 60 |
| 54. | Улучшение электроснабжения 19 км в СГМ "Янгичек" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-91 | 184 000 | 110 |
| 55. | Улучшение электроснабжения 15 км в СГМ "Бог" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-92 | 160 800 | 110 |
| 56. | Улучшение электроснабжения 20 км в СГМ "Бирлашган" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-93 | 117 300 | 110 |
| 57. | Улучшение электроснабжения 11 км в СГМ "Навруз" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-94 | 126 000 | 110 |
| 58. | Улучшение электроснабжения 14 км в СГМ "Тошкурган" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-95 | 189 800 | 110 |
| 59. | Улучшение электроснабжения 15 км в СГМ имени Мукуми Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-96 | 184 000 | 110 |
| 60. | Улучшение электроснабжения 15 км в СГМ "Тепакурган" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-97 | 97 000 | 90 |
| 61. | Строительство столовая для школы №19 в СГМ "Оксув-Говазон" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-98 | 87 400 | 90 |
| 62. | Капитальный ремонт школы №17 (крыша, фасад, замена стекол) в СГМ "Чунгбоши" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-99 | 110 600 | 110 |
| 63. | Обеспечение питьевой водой 2,1 км СГМ "Бирлик" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-100 | 93 400 | 90 |
| 64. | Обеспечение питьевой водой 2,5 км СГМ "Октом" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-101 | 163 000 | 110 |
| 65. | Прокладка дополнительной сети к сетям питьевого водоснабжения 1,5 км в СГМ "Оксув-Говазон" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-102 | 135 173 | 110 |
| 66 | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 6,1 км на участке СГМ Курик Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-103 | 212 000 | 110 |
| 67 | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 1,8 км на участке СГМ Поромон Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-104 | 59 000 | 90 |
| 68 | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 3,6 км на участке СГМ Маданият Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-105 | 125 000 | 110 |
| 69 | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог 3,4 км на участке СГМ Бирлик Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-106 | 120 000 | 110 |

## ГУП "Служба заказчика в сфере капитального строительства" при Наманганском областном хокимияте (далее именуемый "Заказчик")

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-изыскательных работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Наманганской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов - в размере одной БРВ (базовая расчётная величина)

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 часов (по ташкентскому времени) 15 июня 2023 г. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Подача предложений:**
заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;
цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.
Адрес для подачи заявок:
Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Наманганской области по следующему адресу:
г. Наманган, улица Н. Намангоний, 18, 3-этаж.
**Тел.:** 99-974-54-55.
**Адрес электронной почты:** tender-nam@mail.ru
**Ответственный представитель консалтингового центра:** Бахром Фазлидинов.








Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ суратлари.

◀ 1-бет

# Ғазнаи нафосат – Намангон мадҳи

### ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТАЛАР, ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Бир неча йиллар аввал мамлакатимизда ўтказилган “Раж Капурни хотирлаб” номли “Ўзбек-ҳинд дўстлиги мусиқа оқшомлари” дастурининг очилиши тантаналари гўзал шаҳримиз Намангандан бошланган. Ҳиндистон яримороли мамлакатлари билан адабий, маданий алоқалар жонкуяри, асарлари орқали ўзимизда ва чет элларда кўп мухлислар орттирган ҳамшаҳримиз, ҳажвчи ва юртпарвар эссечи Дадахон Нурийга Ҳиндистоннинг машҳур кино санъати номоёндаларидан бири, мазкур дастур меҳмони Раж Капурнинг ўғли Рандҳир Капур томонидан юборилган Наманган шаҳри ҳақида қуйидаги таассуротларини келтириш айни муддао: “Биз катта, доим ҳаёт гувиллаб қайнаб турадиган беҳаловат тартиб-интизомлар исканжасида қолган шаҳарларга ўрганиб, кўникиб ҳам қолдик. Сал узоқлашиб кетсак, кашандадай хумори тутади... Бироқ, Наманган саранжом-саришта, “улкан”ликка даъвоси йўқ, файзли бир гўша эканки, унинг заминига қадам босган дастлабки дақиқалардаёқ шуни ҳис этдик. Соҳиби ўта нозик дидли, шоиртабиат киши бўлган хонадондай нурафшон, ораста шаҳар экан. Йилнинг илиқ фасллари бу сарзаминнинг жамоли юз чандон очилиб, янада мафтункор бўлишини тасаввур қилиб қайтдик. Ва албатта, бу гуллар шаҳрига яна бир бор ташриф буюриш умидидамиз”.

Ҳа, бугун ўша илиқ фасл ва ўша янада мафтункорлик ҳамда ўша сарзаминнинг жамоли минг чандон очилиб, бу чаман диёрнинг ясанган-безанган маданият, истироҳат ҳамда тематик боғлари дунёнинг Ғарбу Шарқидан ташриф буюраётганларга олам-олам қувонч ҳамда гулафшон ифорларини туҳфа айлаб, юксак завқ-шавқ ҳадя этмоқда.

2023 йил 21 май куни Наманган шаҳрида бошланган 62-Халқаро гуллар фестивали дилларга ана шундай алвоний сурур ва фараҳбахшлик улашмоқда. Гўзалликка чулғанган ушбу тантаналарнинг очилишида Наманган халқаро аэропорти ҳудудидан старт олган Гуллар автокарвони пешқадамлик қилди. Анвойиликка бурканиб тизилган 200 дан зиёд транспорт воситаси Ислом Каримов шоҳ кўчасидан Темирйўл вокзали айланма йўли – Амир Темур – Нодим Намангоний кўчалари бўйлаб ҳаракатланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғининг рўпарасида давом этган тадбирда нуфузли гуллар фестивали очиқ деб эълон қилинди. Вилоят ҳокими Шавкат Абдураззоқов йиллар мобайнида сайқалланиб, донг таратган гуллар байрами эндиликда Наманганнинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланганини таъкидлади. Буни 2022 йилда фестивалга 2 миллион 300 мингдан ортиқ меҳмон келганидан ҳам кўриш мумкин. Бу йил эса 21 июнгача давом этадиган катта сайилга 4 миллиондан зиёд сайёҳнинг ташрифи кутилмоқда. Мезбон ҳудуд – “Афсоналар водийси” тематик парки, кўчалар ва катта йўл бўйларига ҳам 30 миллиондан ошиқ гул кўчати экилди. Фестивал дастурлари доирасида ярмаркалар, концертлар, кўргазмалар, форумлар ва илмий конференциялар, турнирлар ҳамда спектаклларга кенг ўрин берилгани эътирофга молик. Дарвоқе, гуллар фестивалидан 1 триллион 200 миллиард сўм даромад олиниши кутилмоқда.

Анжуманнинг илк кунида Наманган ва бошқа вилоятлардан гул етиштириш билан шуғулланадиган 200 нафардан ортиқ тадбиркор ва Хитой Халқ Республикасининг Юинян провинциясидан келган 6 нафар делегация гул кўргазмалари ҳамда 70 дан ортиқ йирик композициялари билан иштирок этишди.

– Наманганда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий гул байрамлари ҳақида кўп марта эшитгандим, лекин бевосита иштирок этмагандим, – деди Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидан келган меҳмон Муродулло Назаров. – Бу йилги гуллар фестивалини оила аъзоларим билан келиб томоша қилдим. Дастлаб Бобур боғига бордик, кейин “Афсоналар водийси”ни сайр қилдик. Одамлардаги жўшқинлик, ҳаётдан мамнунлик ва меҳр-оқибату меҳмондорчилик каби фазилатлар қаторида ҳудудлардаги озодалик ҳамда ранг-баранг безаклару муҳайё қилинган шарт-шароитлар таҳсинга сазовор. Айниқса, тароватли ва сўлим гўшалардаги кечки сайр ўзгача ҳузурбахшдир.

Хуллас, кўнглига эзгу ниятларини жо айлаб, сайру саёҳат қилаётганларга ва Наманган томонга йўлга чиққанларга кўлимиз кўксимизда, “Хуш келибсизлар, азиз меҳмонларимиз!”, деймиз. Барчангизга доимий хушкайфият ва кўнгилларни жилолантирадиган, ҳайратларга бой инжа туйғулар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз!

Таъкидлаш ўринлики, фестиваль 55 нафар, шундан, 15 нафари Россия, Қирғизистон, Эрон, Тожикистон ва Қозоғистон каби хорижий давлатларнинг ОАВ вакилларидан иборат маҳаллий ва жаҳон оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан кенг ёритилмоқда.

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ – муносиб меҳнат тарафдори

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида барпо этилаётган “Rabad” савдо мажмуаси қурилиш объектида қўшма тадбир ташкил этилди.**




Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад қурилиш соҳасида фаолият юритаётган ишчи-ходимларни расмий, яъни, меҳнат шартномалари асосида фаолият юритишга тарғиб қилиш, шу билан бирга, касаба уюшмаларига аъзоликни асослашдир. Тадбирнинг айнан қурилиш объектида ташкил этилиши эса бу соҳага эндигина қадам қўяётган ёшларнинг қизиқишини янада оширишдан иборат.

– Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши айниқса, ёш қурувчилар ва ишчилар учун катта мотивация беради, – деди “Grand comfort building” қурилиш ташкилоти техник назорат бўйича мутахассиси Саидаҳрор Ниёзов. – Тадбир ташкилотчилари касаба уюшмаси ва унинг фаолияти ҳамда унга аъзо бўлишнинг ижобий томонлари ҳақида батафсил маълумот беришди. Ушбу қурилиш ташкилотида олтмишдан зиёд ишчи фаолият юритади. Биз қурилиш йўналиши, жараёни, қурилиш маҳсулотларини тўғри ишлатилишини назорат қиламиз. Мажмуа қурилиш майдони 2,6 гектар. Ушбу объект битгач, 2 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланади. Бино уч қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватда қурилиш материаллари сотилади. 2024 йил охирида қуриб битказилиши режалаштирилган.

Архитектура-қурилиш университети ва университет қошидаги академик лицей битирувчи курс талабалари билан учрашув тарзида ташкил этилган тадбирда ишчиларга каскалар, футболкалар ва кепкалар совға тариқасида тарқатилди.

– Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси Дилдора Ҳошимова. – Қўшма тадбирда нодавлат ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни касаба уюшмасига жалб қилиш, расмий ва норасмий тафовутлари, норасмий бандликдан воз кечиш каби масалалар бўйича фикрлар билдирилди. Қурилиш ташкилотида меҳнат қилаётган ходимларга расмий меҳнат қилиш бўйича тушунча берилди. Ходимларга уюшмага аъзо бўлганда нималарга эришиш мумкинлиги ҳақида маълумот берилди.

## “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ

### АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 21 июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 10.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 153-уйда жойлашган “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 9.00 бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** chiroqchipaxta.uz

**КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:**

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2022 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият ташқи аудиторининг 2022 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг ўтган йиллардаги тақсимланмасдан қолган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
8. 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.
12. Қашқадарё вилояти ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Вош вазирига 2023 йил 15 мартда йўллаган 01-05/1165-сонли мурожаати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 3 апрелдаги 03/08-2-18/1249-сонли хатида берилган топшириқларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сонли қарорининг 9-бандига мувофиқ жамият томонидан “Radiant Silk” МЧЖ билан “Кўкдала” пиллахона мажмуаси бино-иншоотлари бўйича расмийлаштирилган олди-сотди шартномаларини белгиланган тартибда бекор қилиш ва жамият балансига қабул қилиб, олинган мулкларни баҳоланган нархда “E-auksion” электрон савдо платформаларига савдога чиқаришни кўриб чиқиш.
13. “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш Лойиҳа офисининг 2023 йил СХ-12/301-сонли хати билан “AL YORTEKS” МЧЖнинг 2023 5-майдаги 05/124-сонли мурожаати бўйича “CHIROQCHI KLASTER” МЧЖ кластер корхонасига сотилган мол-мулкларнинг тўлов графиги муддатини 24 ойга узайтириш, олди-сотди шартномасининг тўлов графигига тегишли ўзгартириш киритиш масаласини кўриб чиқиш.
14. Ўтган ва узоқ йиллар мобайнида ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиб келингани натижасида фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган турли асосий восита, инвентарлар ва товар-моддий бойликларни белгиланган тартиб асосида ҳисобдан чиқарилгани ва корхона харажатларига олинганини ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилганини тасдиқлаш.
15. Мустақил баҳоловчи ва экспертиза ташкилотлари хулосалари асосида омбордан сотилган асосий воситалар ва қолдиқда турган товар-моддий бойликларнинг бухгалтерия дафтар қолдиғи қиймати билан баҳолаш ҳисоботидаги нархи ўртасидаги фарқ суммаларини жамият харажатларига ёки даромадларига олиш ва омбордаги товар-моддий қийматликлар нархини баҳолаш ҳисоботи нархи билан юритиш мақсадида бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритиш.
16. Таъсисчи (иштирокчи) сифатида корхона, ташкилот, МЧЖларга киритилган таъсис улушларининг қайтарилмагани ҳисобидан кўрилган зарар суммаларини жамият харажатларига олиш.
17. Корхонанинг бухгалтерия баланси қаторларидаги ўтган йиллардан келаётган зарарлар, ундириш имконияти мавжуд бўлмаган умидсиз дебитор қарздорлик суммаларини қайта таҳлил қилиб чиқиб, тегишли ҳужжатлар ва белгиланган тартиб асосида харажатларни ҳисобдан чиқариш ва 2023 йил молия-хўжалик фаолияти давомида корхона харажатларига олиб бориш, бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.
18. Талаб қилиш муддати ўтган эски йиллардан шаклланиб келаётган, суд қарорлари, ижро ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ва кредитор корхона томонидан сўровномалар берилмаган кредитор қарздорликларни таҳлил қилиб корхона даромадига олиш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2023 йил 25 май ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2023 йил 15 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариал тартибда тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Чироқчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 153-уй.

**Тел.:** 99-742-48-78.

**Электрон почта:** Chiroqchi-pt@umail.uz

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Жалол Арашов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
**Телефонлар:**
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-537.
1742 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 22.50. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2023 йил 6 июнь куни чиқади.